XX АСРНИНГ 30-ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ КОЛЛЕКТИВЛАШТИРИШ СИЁСАТИНИНГ ЧОРВАЧИЛИККА САЛБИЙ ТАЪСИРИ

Б.РАСУЛОВ

Мақолада XX асрнинг 30-йилларидаги ёппасига коллективлаштириш жараёнида қишлоқ хўжаликларида иш ва уй ҳайвонларининг нобуд қилинишига сабаб бўлган омиллар, уларнинг республика чорвачилигига салбий таъсири ҳужжатлар асосида ёритиб берилган.

***Калит сўзлар**: колхоз қурилиши, коллективлаштириш, умумийлаштириш, уй ва иш ҳайвонлари, чекловлар, иқтисодий босим.*

В статье раскрыты факторы, приведшие к массовому истреблению домашнего и рабочего скота в дехканских хозяйствах в период тотальной коллективизации в 30-е годы XX века, показано отрицательное воздействие данного исторического процесса на развитие животноводства республики.

***Ключевые слова**: колхозное строительство, коллективизация, обобществление, домашний и рабочий скот, ограничения, экономическое давление.*

The article describes the negative results of the agricultural policy of the former Soviet government during the 30s of the 20th century by liquidating the domestic and field animals which resulted in negative influence on the development of cattle breeding in our republic.

***Key words**: collectivization, collective farming, domestic and field animals, limitation, economic pressure.*

XX асрнинг 30-йилларидаги қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш сиёсати жараёнида большевиклар бошчилигидаги Совет ҳокимиятининг маъмурий ва иқтисодий босим (солиқлар, мажбурий суғурта ва заёмлар) кўринишидаги зўравонликлари, ўзбошимчалик ва қонунбузарликлари натижасида колхозга киришга мажбур бўлган деҳқонлар колхоз қурилишига қарши ўз норозиликларини турли шаклда намойиш этдилар.

Республикамиз ва хорижда эълон қилинган, махфийлик тамғаси бекор қилинган ҳужжат ва материаллар тўпламлари, архив ҳужжатлари 1930 йилнинг биринчи чорагида Ўзбекистон қишлоқларида колхоз қурилиши билан боғлиқ ўта мураккаб ва кескин сиёсий вазият юзага келганлигидан гувоҳлик беради. Шулардан бири уй ва иш ҳайвонларини сотиш, сўйиш ва бошқа жойларга ҳайдаб кетиш билан боғлиқ бўлди.

Ёппасига коллективлаштириш эълон қилинган дастлабки кунларданоқ иш ва уй ҳайвонлари сонининг кескин камайиши бошланган. Колхозга киришга мажбур қилинган деҳқонларнинг асосий қисми хўжаликларидаги ҳайвонларини сотиш, сўйиш ва бошқа жойларга ҳайдаб кетиши оммавий тус олди. Бу советларнинг колхоз қурилиши сиёсатига деҳқонларнинг ўзига хос қаршилигининг ифодаси эди.

1930 йил 16 январда СССР Советлар МИҚ ва ХКС ҳайвонларнинг оммавий тарзда сотилиши ва сўйилишининг олдини олиш мақсадида чиқарган қарорда район ижроқўмларига ҳайвонларини нобуд қилаётган қулоқларни ердан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, ҳайвонлар билан бирга қишлоқ хўжалик асбобларини мусодара қилиш ва иттифоқдош республикалар жиноят кодексларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортиш ваколати берилди. Колхозцентрнинг колхозга киришдан олдин ҳайвонларини сўйиш ва сотиш орқали нобуд қилган хўжаликларнинг колхозга киришини таъқиқлаш ва колхоздан ҳайдаш ҳақидаги таклифини маъқуллаб, маҳаллий органларга бу жабҳада ҳар томонлама кўмаклашишни таклиф этди [2.96]. Мазкур қарорга асосан ЎзССР Советлар МИҚ ва ХКС 1930 йилнинг 31 январида “Ҳайвонларни керак топилмаган чоғда сўйиш (нобуд қилиш)лар билан курашиш чоралари тўғрисида” [1.93-94] қарор қабул қилди. Унда ҳайвонлар сонини сақлаб қолиш ва кўпайтириш, қишлоқ хўжалигини кўтариш мақсадида округ ижроқўмлари ва Қозоқ-Қорақалпоқ автоном райони ижроия қўмитасига СССР Советлар МИҚ ва ХКСнинг 1930 йил 16 январдаги қарорининг 2- ва 3-бандлари асосида ва муддатларга мувофиқ ҳамма хўжаликларда ҳайвонларни нобуд қилиш ва сотишга қарши курашиш вазифа-

си юкланди. Ер ишлари Халқ комисарлигига Адлия ва Ички ишлар Халқ комиссарликлари билан бирга 5 кун муддат ичида район ижроқўмлари учун ердан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, ҳайвонлар билан бирга қишлоқ хўжалик асбобларини мусодара қилиш ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича дастуриламал ишлаб чиқишни таклиф этди. ЎзССР ЖКсига 166[1] – модда киритилди ва унда: "Қишлоқларнинг муштумзўр табақалари ичидан бўлган кишилар томонидан қишлоқ хўжалигини колективлаштиришга зарар келтириш ва унинг кўтарилишига ҳалал бериш мақсадларида ҳайвонларни нобуд қилиш ёки қасддан майиб қилиш ҳамда бу ишга бошқаларни қўшиш – шу жойдан чиқариб юбориш баробари ёки ундан бошқа 2 йилга қадар қамоқ жазосига сабаб бўлади",– деб баён қилинди.

Жойлардаги маҳаллий ижроқўмлар томонидан қарорни бажариш бўйича ҳар бир жойнинг ўз хусусиятларидан келиб чиқиб тегишли чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, Андижон Округ ижроқўмининг 1930 йил 6 февралдаги №47 мажбурий қарори билан умумлаштирилган ва якка деҳқон хўжаликларидаги сўйиладиган ҳайвонларнинг ёш чегараси қатъий белгилаб қўйилди. Қарорга кўра отлар 12 ёшгача, бузоқ 3 ёшгача, ҳўкиз 1 ёшгача, совлиқ қўй 2 ёшгача, совлиқ эчки 1 ёшгача сўйилиши ман қилинди.

Наслли ҳайвонлар, соғин сигир ва болали қўйларни сўйишга мутлақо йўл қўйилмаслиги, 6 ёшгача бўлган иш ҳайвонлари (от ва ҳўкизлар)ни йилнинг 1 февралидан 1 июлигача сўйиш мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди [3.16]. Қарор ҳеч қандай самара бермади, аксинча, ҳайвонларни сўйиш, сотиш ва тоғли ҳудудларга, чўлларга ҳайдаб кетиш кучайди. Айниқса, ҳайвонлар нархининг кескин пасайиши кузатилди. 1930 йилнинг 21–24 февраль кунлари Самарқанд бозорига 1000 бошдан ортиқ иш ҳайвонлари, Қашқадарёдан катта миқдорда буғдой ва гуруч сотиш учун олиб кирилган. Келаётганлар: "Сотмасанг, барибир колхозга тортиб олиб қўяди, ундан кўра арзон бўлса ҳам сотган яхши", – деб айтганлар [5.97]. 28 февралда Тошкент округ Тўйтепа бозорига ҳам кўп ҳайвон олиб келинган. 200 – 250 сўм турадиган от 80 – 100 сўмга сотилган. Эски шаҳар бозорида эса январь ойида 150 – 160 сўм турган ҳўкиз 50 – 55 сўмга сотилган. Сут кўп берадиган сигир 60 сўмга, бошқалари 25 – 30 сўмга тушиб кетган. Қўйлар 30 – 50 сўм ўрнига 12 – 15 сўмга сотилган. Сирдарё бозорида эса қўйларнинг нархи 5 – 7 сўмга пасайиб кетган. Бу ҳолатни сотувчилар "коммунага бекорга топширгандан кўра арзон гаровга сотиб юборган яхши" деб изоҳлаганлар [7.99].

Ҳайвон подаларини қозоқ – кўчманчи жойларга ҳайдаб кетиш, айниқса, Бекобод районида яққол намоён бўлган. Хасск ва Калск бойлари 15 – 30 тадан қилиб 800 бошдан кўпроқ қўйни Ўратепа вилоятига ҳайдаб кетганлар.

Мирзачўл райони Далакўл қишлоғидан Элназаров деган бой 400 та қўйни, 2 та отни, 3 та туя ва 9 бош қорамолни ҳайдаб кетган. Янгийўл, Юқори Чирчиқ ва бошқа районлардан оммавий тарзда ҳайвонларни Қозоғистонга ҳайдаб кетилган [7.99].

Ем-ҳашак ва бошқа озуқа етарли бўлмагани сабабли ҳам кўп ҳайвонлар нобуд бўлган. Бухоро округ Ғиждувон районида 7000 бошдан иборат катта чорвага эга чорвадор бой ижроқўмда: "Ҳайвонларни боқишга маблағ ажратмас экансизлар, чорванинг нобуд бўлишига масъулиятни ўзимдан соқит қиламан", - деб эълон қилган. Сурхондарё округи Бойсун районида ҳам озуқа йўқлигидан ҳайвонларнинг нобуд бўлишига оид қатор фактлар аниқланган. Районда заҳирада бўлган кунжарани аҳоли арзон нархда кредитга ҳам сотиб олмаган [5.97-98].

ОГПУ маълумотларига кўра деҳқонлар колхозга киришдан олдин барча ҳайвонларни, ҳатто отларини ҳам сотиб, фақат сигирларини қолдирганлар. Чунки сигирлар колхозга умумийлаштирилмаган [4.764].

ВКП(б) МК нинг 1929 йил ноябрь Пленумининг ўзидаёқ: "Оммавий колхоз қурилиши ҳаракатининг ўсиши муносабати билан шундай ҳолат юз бермоқдаки, колхозга кираётган у ёки бу ўзига тўқ ўртаҳол учта ҳайвонидан иккитасини сотиб, учинчиси билан колхозга кирмоқда. Чунки бўлинмас фондга битта сигири бор қўшнисидан ортиқ маблағ қўйишни хоҳламаяпти. Агарда зудлик билан чора кўрмас эканмиз ... бу участкада катта ўпирилиш юзага келади" [6.184] – деган фикрлар билдирилган эди.

Колхозга киришга мажбур қилинган ўртаҳоллар колхозга кириш пайини тўлашга пули бўлмагани учун ҳам оммавий тарзда ҳайвонларни сотганлар. Ҳайвонларни сотишга қишлоқ советлари аъзолари ва қишлоқ коммунистларининг хатти-ҳаракатлари ҳам сигнал вазифасини бажарган. Уларнинг ўзлари биринчилардан бўлиб ёш ҳайвонлар, сигир, майда ҳайвон ва отларини сотишни ва сўйишни бошлаб берганлар [4.763].

Турли ташвиқот ва миш-мишлардан саросимага тушган тўқ деҳқонлар хўжалигидаги зотдор ҳайвонлари, наслли қоракўл қўйлари билан бирга қишлоқ хўжалигида ишлатадиган меҳнат қуроллари, уруғлик донларни ҳам сотишга тушган. Зарафшон округидаги барча бозорлар деҳқонлар сотаётган ҳайвонлар билан тўлиб-тошиб кетган.

Ҳайвон нархи 30 – 50 % га тушиб кетган (200 сўм турадиган от 100 – 120 сўмдан сотилган). Аҳолини саросима шу даражада қамраб олганки, ҳайвонлар пулини кейин бериш шарти билан (кредитга) сотилган [5.166]. Натижада Ўзбекистондаги Совет органлари ЎзССР Советлар МИҚ ва ХКСнинг 1930 йил 31 январь қарорини бекор қилиб, янгисини қабул қилишга мажбур бўлган.

Ҳайвонларнинг қасддан сўйилиши, сотилиши ва бошқа жойларга ҳайдаб кетилиши, деҳқон хўжаликларининг колхозга киришдан олдин қишлоқ хўжалик асбобларини сотишининг олдини олиш ҳамда қимматбаҳо қорақўл қўйларни сақлаб қолиш мақсадида 1930 йилнинг 15 мартида “Ҳайвонларни, қишлоқ хўжалик асбоблари ва қишлоқ хўжалик аҳамиятидаги бошқа мулкларни нобуд қилиш ҳамда сотиш ҳоллари билан кураш чоралари тўғрисида” қарор қилди [1.345-348]. Қарорда Округ ижроқўмлари ва Қозоқ–Қорақалпоқ автоном райони ижроия қўмитасига колхоз, совхоз ва якка хўжаликларда, маҳаллий шароитга қараб белгиланадиган ёшдан паст ёшдаги ҳайвонларни сўйишни ман қилувчи мажбурий қарор чиқариш вазифасини юклаш билан бирга қорақўл қўзиларга бу модда татбиқ қилинмаслиги эслатилган. Ҳамма ташкилот, корхона ва шахсларга насл қолдириш учун зарур бўлган қорақўл қўйлар (қўчқор ва урғочилар)ни ва 4 ёшгача бўлган маҳаллий урғочи қўйларни сўйиш ҳам ман қилинди.

Колхозга киришдан олдин деҳқон хўжаликлари томонидан ишлаб чиқариш асбобларининг сотилишини тўхтатиш мақсадида колхозга киришда чекловлар ва турли иқтисодий жазо чоралари белгиланди.

Қарорга мувофиқ, иш ва фойдаланишдаги ҳайвонларини, экиш материалларини, қишлоқ хўжалик асбобларини, ҳайвон боқиш учун лозим бўлган миқдордаги озуқа (ем-ҳашак)ни, қишлоқ хўжалик корхоналарини, умумлаштирилган ҳайвонларни асраш, уруғ заҳиралари, ҳайвон озуқаси ва деҳқончилик асбобларини сақлаш учун фойдаланиш мумкин бўлган иморатларни сотиб юборган, ўзлари фойдаланаётган ер майдонларидаги дарахтларни қишлоқ советларининг рухсатисиз кесиб олган хўжаликлар колхозга киришини рад қилиш орқали иқтисодий имтиёзлардан маҳрум этилган. Уларнинг сотиб юборган асбоблар ва ҳайвонларни тиклаган ёки қимматига тенг пулни колхозга топширган тақдирда аъзоликка қайта қабул қилиниши кўрсатилган. Шунингдек, колхозга умумлаштирилмаган, ўзлари фойдаланаётган деҳқончилик асбоблари ёки иш ҳайвонларини колхознинг рухсатисиз сотган аъзоларнинг колхоздан четлаштирилиши белгиланган.

Қишлоқ хўжалик кооперацияларига эса деҳқончилик асбоблари ва иш ҳайвонларини сотган хўжаликлардан қарз пулларини муддатидан илгари ундириб олиш ҳуқуқи берилган. Кредит ташкилотларига ўз аъзоларининг жонли ва жонсиз қишлоқ хўжалик инвентарларини сотилишига йўл қўйган ёки улардан деҳқончилик асбоблари ва ҳайвонларни кредитга олинган пуллар ҳисобидан сотиб олган колхоз-артелларга кредит беришни тўхтатиб, қарз пулларини муддатидан олдин ундириш мажбурияти юкланди.

Округ ижроқўмлари ва Қозоқ–Қорақалпоқ автоном райони ижроия қўмитасига ер идоралари ва қишлоқ хўжалик кооператив ташкилотлари иштироки билан ҳамда бутун советларни жалб этиб қишлоқларда, айниқса, ёппасига коллективлаштириш районларида колхозларга кираётган вақтда ўртаҳол ва камбағал деҳқон хўжаликлари томонидан иш ва фойдаланишдаги ҳайвонларнинг сотилиши мумкин эмаслиги ҳақида кенг тушунтириш кампанияси олиб бориш таклиф этилган.

Район ижроқўмларига ўз ҳайвонларини нобуд қиладиган (қасддан сўядиган), сотадиган ёки бошқа жойга ҳайдайдиган ва шу ишга бошқаларни ташвиқот қилаётганларни ердан маҳрум қилиш, ҳайвон ва деҳқончилик асбобларини мусодара қилиш ваколати берилган.

Жиноий жавобгарликни кучайтириш мақсадида ЎзССР ЖКнинг 166^1–моддасига тузатиш киритилди. Ўз ҳайвонларини нобуд қилган, қасддан майиб этган, бошқа жойга ҳайдаб кетган ёки шу ишга бошқаларни ундаганларга яшаш жойидан чиқариб юбориш ва 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш белгиланди. 166^2–моддаси қўшимча қилиниб, ёшидан қатъи назар, наслли қорақўл қўйлар (қўчқор ва урғочи)ни, насл қолдиришга ярайдиган 4 ёшгача бўлган маҳаллий урғочи қўйларни сўйиш бир йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки мажбурий ишлашга жалб қилиш ёхуд 1000 сўмгача жарима тўлаш жазосига тортиладиган бўлди.

1929 – 1932 йилларда чорва моллар сонининг камайиб кетишига олиб борган сабаблардан яна бири Совет давлатининг гўшт тайёрлаш сиёсати билан боғлиқ. Давлат гўшт тайёрловчилари ҳайвонлар учун белгилаган нарх билан бозордаги гўштнинг нархи ўртасидаги тафовут жуда катта бўлган. Деҳқон хўжаликларидан чиқариб олинган ҳайвонлар чорвачилик совхозлари ва колхоз фермаларига эмас, балки Қизил Армия, саноат марказлари ва шаҳарнинг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжини қондиришга кетган. Бу масалада деҳқонларнинг манфаатлари Совет ҳокимиятини унчалик қизиқтирган эмас.

СССР Советлар МИҚ ва ХКС 1930 йил 1 ноябрь қарори билан сўйилган наслли ҳайвон нархининг 10 баробари миқдоридаги жарима, барча чорвани мусодара қилиш, мансабдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш каби жазо чораларининг [4.842] кучайтирилишига қарамай, бутун коллективлаштириш жараёнида ҳайвонларнинг нобуд бўлиши давом этди ва узоқ йиллар давомида колхоз қурилишининг энг оғир оқибатларидан бири сифатида ўз асоратларини билдириб турди.

Адабиётлар:

1. ЎзР МДА. Р-86–фонд, 1– рўйхат, 6045–иш, 93–94-варақ.

2. ЎзР АВДА. 189–фонд, 1– рўйхат, 474–иш, 96–варақ.

3. ЎзР АВДА. 94–фонд, 1– рўйхат, 21–иш, 16–варақ

4. Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. 1927-1939. Документы и материалы. В 5 – тт../ Т.2. Ноябрь 1929 – декабрь 1930 / Под.ред. В. Данилова, Р. Маннинг, Л.Виолы. – М.: РОССПЕН, 2000.

5. Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955 гг. Документы и материалы. Том I-III. Сост.: Р.Т.Шамсутдинов, Б.Расулов. Под ред. Д.А.Алимовой/. Том – Т.: Шарк, 2006.

6. Ивницкий Н.А. Репрессивная политика Советской власти в деревне (1928 – 1933 гг). – М., 2000.

7. Шамсутдинов Р.Т. Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун. (Ўрта Осиё республикалари мисолида) . – Т.: Шарқ, 2003.

Андижон давлат университети,
2013 йил 5 сентябрда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. И.Алимов)